


Кузги чақириқ

## БУРЧГА САДОҚАТ

***Бутун республикамиздаги каби шаҳримиз йигитлари ҳам ўзларининг Ватан олдидаги бурчларини муносиб адо этиш учун юрт хизматига отланмоқдалар. Кузги чақириқни ташкил этиш борасида Собир Раҳимов туманида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Бизнинг туман мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи полковник Тўлқин Аҳмедов билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.***

**— Тўлқин Мавлонович, халқимизда Ватан — маҳалладан бошланади, деган пурҳикмат ибора бор. Ҳарбий хизматга кузги чақириқни ташкил этишда маҳаллалар билан ҳамкорликда қандай иш олиб бориляпти?**

— Биз айнан кузги чақириқ бошланиши арафасида туманимиздаги барча 84 та маҳалла оқсоқоллари иштирокида туман ҳокимлигида катта йиғилиш ўтказдик. Унда баҳорги чақириқ атрофлича таҳлил қилиниб, энг яхши маҳаллалар кўрсатилди. Баҳорги чақириқ давомида бизга яқиндан ёрдам берган энг яхши маҳаллалар оқсоқолларига қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Маҳалла оқсоқоллари кўмагида кузги чақириқ бўйича хизматга жўнаши лозим бўлган болаларнинг 50 фоизи дастлабки пайтдаёқ тиббий комиссиялардан ўтказилиб Қуролли Кучларимиз сафларига отланишди. Шунингдек, оқсоқоллар жойларда мунтазам тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Уларни вақти-вақти билан йиғиб маслаҳатлашиб турибмиз.

Муқобил хизматга янги чақирилган йигитлар ҳам чақириқнинг дастлабки кунларида бизларга анчагина ёрдам беришди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, туманимизда футбол, бокс, регби, парашют спорти билан шуғулланувчи кўплаб яхши спортчи болалар бор. Уларнинг ўзлари келиб мурожаат этишяпти ва биз уларни Қуролли Кучлар таркибидаги спорт клубларига юборяпмиз.

**— Туман тиббий кўрик комиссиясининг фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Туманимизда тўлиқ таркибда доимий фаолият кўрсатадиган тиббий кўрик комиссияси ташкил этилди. Унга энг малакали, катта тажрибага эга тиббиёт ходимларини жалб этганмиз. Шифокорлар йил бўйи мунтазам фаолият кўрсатиб, ўсмирларни диспансер кўригидан ўтказиш, талабалар соғлиғини текшириш, ҳарбий хизматга чақирилаётган болалар саломатлигини аниқлаш юмушларини бажаришмоқда.

Кузги чақириқ тугаганидан сўнг эса келгуси йил бошида 1981 йилда туғилган ўсмирларни чақириқ участкасида қайд этиш фаолиятини бошлаб юборамиз. Унга кўра бўлажак Ватан ҳимоячилари барча шифокорлар иштирокида дастлабки тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғлиғини тиклаш лозим бўлганлар даволаш муассасаларига юборилади.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

Ислоҳотлар

## КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ — БОЗОР НЕГИЗИГА

***Коммунал хўжалигидаги камчилик ва нуқсонлар ҳаммага маълум. Кўпинча бунинг айбдорларини ҳам топиб бўлмайди. Бир мавзеда ахлатни бир ташкилот тозалайди, бошқаси йўлкаларни тартибга келтиради, яна бири эса муҳандислик иншоотларини таъмирлайди ва ҳоказо.***

***Бозор иқтисодиёти ушбу тармоқни ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Пойтахтда бу ишга биринчилар қатори Сергели туманида киришилди. Туманда ҳамма учун яхши маълум бўлган уй-жойдан фойдаланиш идоралари ўрнига хўжалик ҳисобидаги уй-жой-фойдаланиш бирлашмалари ташкил этилди.***

Бу идора номини навбатдаги ўзгартириш эмас. Ҳар бир хўжалик ҳисобидаги уй-жой-фойдаланиш бирлашмаси ўз ҳисоб рақамига ва аниқ мақсадли хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган тўла-тўкис мустақил коммунал бўлинма ҳисобланади. Мавзе ҳудудида бажариладиган ишлар амалда, унинг қўлида мужассамлашган. Туман коммунал фойдаланиш бошқармаси эндиликда амалда назорат қилиш ва услубий вазифаларнигина бажаради.

Хўжалик ҳисобидаги фойдаланиш бирлашмалари ходимлари ўзлари йўлкаларни ҳам таъмирлайдилар, ахлатни ҳам ташиб кетадилар, ертўлалардаги сувларни ҳам йўқотадилар. Бир сўз билан айтганда уй-жойлар ва бинолар атрофидаги ҳудудлардаги аҳвол учун бу ерда истиқомат қилувчилар олдида тўла масъулдирлар. Келгусида эса бирлашмалар уйлардаги муҳандислик иншоотларини таъмирлаш учун тақчил эҳтиёт қисмларни ҳам мустақил тайёрлайдиган бўладилар. Бундан ташқари улар уй-жойлар ва йўлакларни таъмирлаш, пулли хизмат кўрсатиш билан ҳам машғул бўладилар.

Табиийки, уй-жой-фойдаланиш ташкилотлари иш самарадорлигини ошириш учун энг аввало мустаҳкам моддий-техника негизи керак. Сергели туманидаги бирлашмалар учун зарур маблағ ажратилди. Тумандаги еттита бирлашманинг ҳаммасида янги «Дамас» русумидаги микроавтобуслар, тиркагичли тракторлар, газ ва электр пайвандлаш аппаратлари, компрессорлар, «Гном» насослари пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда уларнинг ишлаб чиқариш цехлари барпо этилмоқда. Бу ерларда дастгоҳлар ва бошқа зарур жиҳозлар ўрнатилади.

Бозор иқтисодиёти қатъий тежамкорликни талаб этади. Бу англанган ҳолда ҳозирги пайтда тумандаги кўп қаватли турар жой биноларида сув ҳисоблагичларини ўрнатиш бошланди. Бунинг учун Боку шаҳрида ишлаб чиқариладиган, нархи нисбатан қиммат бўлмаган ва таъмирланиши осон ҳисоблагич асбоблари танлаб олинди. Бугунги кунда тумандаги 50 тага яқин кўп қаватли уйларга ана шундай ҳисоблагичлар ўрнатиб бўлинди. Яқин вақт ичида биноларга яна 20 та ҳисоблагич ўрнатилади. Тажриба тариқасида иссиқлик сув ва иссиқликни аниқ ҳисобга оладиган хорижий асбоблар ўрнатиш ҳам бошланди. Ҳозирча бундай ҳисоблагичлар 9 қаватли турар жой биноларидан бирига тўлиқ ўрнатиб бўлинди.

— Биз ҳисоблагич асбобларини ҳар бир хонадонда эмас, балки бутун бинога битта ўрнатмоқдамиз, — дейди Сергели туман коммунал фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи М. Раҳимов. — Шу сабабли ушбу бинода истиқомат қилувчи барча кишилар ўз пулларини иқтисод қилиш учун сув, иссиқликни тежаб-тергаб ишлатишга биргаликда ҳаракат қилишлари лозим. Томорқани водопровод суви билан суғориш, сантехника қурилмаларида ортиқча сув оқиши каби ҳолларни бинода истиқомат қилувчиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан бартараф этиш мумкин. Бу масалада уй қўмиталари каби жамоатчилик ташкилотлари катта роль ўйнаши керак.

Умуман ҳисоблагичларни бутун бино учун умумий ўрнатиш аҳолига фойдалидир. Уларни ҳар бир квартирага ўрнатиб чиқиш, одамларга қимматга тушади. Тўғри, бунда турар жой биносида истиқомат қилувчилар сув ва иссиқликни оқилона ишлатиш юзасидан келишиб олишлари лозим бўлади. Жаҳон тажрибаси бунинг ортиқча мушкуллик томони йўқлигидан далолат бериб турибди. Масалан, Данияда энергия ресурсларини ҳисобловчи асбоблар ҳам ҳар бир квартирада эмас, балки битта йўлакда битта ўрнатилган. Шунга қарамасдан бу уйда турувчи одамлар ўртасида бирор келишмовчилик содир бўлмайди.

*Воҳид КАРИМОВ.*

Обуна — 98 Обуна — 98

## ҚАДРДОНЛИГИМИЗ УЗИЛМАЙДИ

**Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:** — «Оқшом»га ҳар йили биринчилардан бўлиб ёзиламан. Сабаби, ушбу газета хонадонимизнинг эркатойи бўлиб қолган. «Оқшом» келадию қўлма-қўл ўтиб кетади. Ҳатто қўшниларникига «кетиб қолган» кунлари ҳам бор. Мен шаҳримиз газетаси саҳифаларидан ҳамма нарсани, ҳамма янгиликни топаман. Адабиёт, санъатга, айниқса, болалар адабиётига кенг ўрин ажратилаётганидан беҳад севинаман. Келгуси йилда ҳам таниқли адибларнинг асарлари чоп этилишидан умидворман.

Дунё воқеалари, юртимиз, шаҳримиз янгиликлари ўйлайманки, келаси йил ҳам газетада ўз аксини топади. Бир ниятим бор эди: кўплаб оилавий икир-чикирлар ҳақида материаллар эълон қилинаяпти. Агар иложи бўлса шулар танлаброқ босилса. Чунки майда-чуйдалар журналистларнинг қўлини боғлаб қўяди, долзарб масалаларга сарф бўладиган вақтини ўғирлайди. Ҳаётий тажрибаларимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, таълим ислоҳоти, болалар тарбиясига оид мақолалар янада ўткир, амалий бўлса, айни муддао бўларди. Шунингдек, ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғуларини тараннум этувчи ўқимишли бадиалар, лавҳаларни ҳам «Оқшом» саҳифаларида кўришни истардим.

**Юсуф РАЖАБОВ, шаҳар табиатни ҳимоя қилиш қўмитаси раиси:** — Бугунги кунимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини газетамиз саҳифаларидан топаман. Хусусан, оламда бўлаётган воқеаларни қисқа ва лўнда ёритилишини бошқа газеталар «Оқшом»дан ўрганишган, десам хато бўлмас.

Ҳозирги давримиз илмий-техника тараққиёти даври. Экологик танглик ҳам ўзини кўрсатаяпти. Натижада табиатни, атроф-муҳитни покиза сақлаш муаммолари юзага келдики, бу инсоният учун ҳаёт-мамот масаласи, десам лоф бўлмайди, «Оқшом» табиат муҳофазаси масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Корхоналар, ташкилотларнинг бу борадаги яхши юмушлари, йўл қўяётган лоқайдликлари «Табиат ва инсон» саҳифасида ўз аксини топаяпти, муносиб баҳосини олаяпти. Кўрилган чора-тадбирларда «Оқшом»нинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Шундоқ дўст, ҳамкор газета билан йил бўйи ошно бўлмасдан яшаб бўладими? Ўзим ҳам, қўмитамиздаги масъул ходимлар ҳам «Оқшом»га 1998 йил учун обуна бўлдик. Табиатнинг мусаффолиги учун курашда газета бизнинг асл кўмакчимиз бўлиб қолади.

**Жўрахон АБДУЛЛАЕВ, биология фанлари номзоди:** — Олтмиш ёшга кирган бўлсам, шундан ўттиз йилини «Оқшом» билан «ҳамдам»лашиб ўтказдим. Ҳатто, дўстларим орасида ҳам «Оқшом»чалик қадрдоним йўқ десам ишонаверинг. Келгуси йил учун ҳам ошначилик ипларини боғлаб қўйдик. «Оқшом»нинг сенга нимаси ёқади, деб ўйларсиз. Унинг саҳифаларидаги одоб-ахлоқ, миллий қадриятларимиз борасидаги чиқишлар бир менга эмас, бутун аҳли маҳалламизга манзур. Шу мавзулар бошқа газеталарда «Оқшом»даги каби изчил ва чуқур ёритилмайди.

Битта ниятим ҳам бор: газетада «Одобнома» саҳифаси ҳам бор эди. Агар иложи бўлса (бу газета таҳририятининг қарорига ҳавола, албатта) шу саҳифа яна тикланса. Бир саҳифада жамланган ибратли ҳикоятлар, мунозарали мақолалар, қадимий қўлёзмалардан намуналарни ўқиб мазза қилсак.

Шу аснода «Оқшом»нинг заҳматкаш журналистларига «Қўлингиз ҳам, қаламингиз ҳам толмасин» деб айтаман.

*Темур УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.*

## ТИББИЁТДА ҲАМ ЎРНИ БОР



**Дилфуза ҒУЛОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Диагностика марказининг директори, тиббиёт фанлари номзоди:**

— «Тошкент оқшоми» — тиббиёт ходимларининг ҳам севимли газетаси ҳисобланади. «Оқшом» пойтахт ҳаётини ниҳоятда жонли ёритади, унинг муаммоларини рўйи рост, очиқ кўрсата билади. Айниқса, унинг ҳозиржавоблиги, бирор муаммо ҳақидаги мақолани дарров «унутиб» юбормай, балки унинг «кетидан юриши», яъни нохуш ҳолнинг юзага келиш сабаблари, уни бартараф этиш йўллари ҳақида кенг изланади, у ҳақда ўзининг фикрини билдиради.

Бизни албатта, биринчи галда «Оқшом» саҳифаларида чиқаётган саломатлик ва уни асрашга оид мақолалар қизиқтиради. Ана шунинг ўзи катта бир мавзу бўлади. Республикамиз аҳолисининг катта қисмини оналар ва болалар ташкил этади. Уларнинг ўз нашрлари бўлса-да, барибир «Оқшом»нинг бу борадаги ўзига хос фикрлари яққол ажралиб туради. Бозор иқтисодиётига қадам қўяётган юртимиз фуқаролари учун айниқса, тиббий ва ҳуқуқий саводхонлик жуда зарур.

Шу масалаларда «Оқшом» олдида катта вазифалар ва шунга яраша имкониятлар бор. Масалан, бугунги шиддатли ҳаётда баъзан ҳамшаҳарларимиз ўртасида ортиқча ҳашам ва исрофгарчиликка ҳам йўл қўйилаётганлиги сир эмас. Бу ҳақда «Оқшом» тез-тез жуда таъсирли лавҳалар бериб боради. Даволаниш учун хилма-хил ва қимматбаҳо кимёвий дориларга ружу қўйвериш шарт эмас. Аввало касалликни даволашдан кўра, олдини олиш осонроқ. Қолаверса, юртимизда ўсувчи гиёҳларнинг нақадар шифобахшлиги, улардан қандай фойдаланиш кераклигини ҳаммамиз билавермаймиз. «Оқшом» бу борада кенг тарғибот ишларини олиб борса, катта ютуқ бўлар эди. Бунинг учун ҳар бир сонда берилувчи катта-катта мақолалар шарт эмас. Доимий рукн остида бериб борилувчи кичик мақолалар анча ўқимишли бўлади. Масалан, ўрик, жийда, ёнғоқ, қовоқ ва ҳоказоларнинг хосияти, уларнинг неча дардларга даво бўлишини билиш — кимёвий дори сотиб олгандан кўра фойдали-ку.

Хуллас, «Тошкент оқшоми» — барча касб соҳиблари билан бирга, тиббиёт ходимлари учун ҳам қўлдан қўймай, севиб ўқиладиган севимли газета.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.*

Обуна — 98 Обуна — 98



*Шаҳримиздаги «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти тикув цехида ўз касбининг усталари бўлган мураббий ишчилар кўплаб топилади. Улардан бири шу цехнинг бошлиғи Ойша Тиллаевадир.*

*СУРАТДА: Ойша Тиллаева ўз шогирдлари томонидан тикилган янги маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Қарор ва ижро

## ТАРТИБ ЎРНАТИЛМОҚДА

***«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 82-сонли қарорининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бажарилиши тўғрисида»ги ҳукумат қарори матбуотда эълон қилинганига ҳам салкам уч ой бўлди. Хўш, шу давр мобайнида шаҳримиз бозорларида қандай ўзгаришлар рўй берди? Умуман, «Тошбозорсавдо» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи ҳиссадорлик жамиятлари ушбу қарор ижроси юзасидан қанақа тадбирларни амалга ошириб улгуришди? Шу саволларга жавоб топиш учун шаҳар бозорларида бўлиб жамият раислари, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашдик.***

«Паркент» бозорида анчадан бери битмай келаётган 250 ўринли мева-сабзавот бозори сотувчи ва харидорларга ўз эшикларини очибди. Яхна ичимликлар билан харид қилувчи очиқ майдоннинг усти ёпилибди. Қўшимча янги расталар пайдо бўлибди.

Жамият раиси Улуғбек Миртолипов бизни яна бир қатор ўзгаришлар билан таништирди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, — дейди у. — «Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва солиқ органлари ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик ва қатъиятсизлик билан ёндошишлари оқибатида бозорлардан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишлари қаттиқ назоратга олинмаган. Улар айрим ҳолларда бозорлардаги моддий жавобгар шахслар билан бирлашиб кетганлар» — дейилган эди. Биринчи навбатда эътиборни ана шу масалага қаратдик. Олдинлари бир кунда умумий даромад 130-140 минг сўмни ташкил қилар эди. Ҳозир бу рақам 200 мингга етказилди. Харидор ва сотувчиларга қулайлик бўлсин учун 585 ўринли машина сақлаш жойи очилди. Бозор теварак-атрофи асфальтланди. Ўз вазифасига нолойиқ топилган 26 та хизматчи янгиланди. Бозорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида ахлатларни пешма-пеш олиб чиқиб кетишни йўлга қўйдик.

«Жамият таркибидан нечта бозор ўрин олган?» деган саволимизга раис: «Катта-кичик бўлиб еттита бозорларимиз бор. Ундан энг йириклари «Паркент», «Авиасозлар», «Янгиобод» бозорларидир» деган жавобни берди.

— Ўша жойлардаги янгиликлар билан ҳам таништирсангиз?

— Масалан, биргина «Авиасозлар»да қисқа муддат ичида юк сақлаш хонаси барпо этилди. Бозор растасидан асосий ўринни эгаллаб ўтирган олибсотарлар фаолиятига чек қўйиш ҳисобига қўшимча юз сотув ўрни пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан савдо қилувчи майдон асфальтланди, атрофи девор билан ўралди. Бу ерга келувчиларга қулайлик бўлсин учун ошхона, маиший хизмат хонаси, чойхона, намозхона очдик. Бошқа бозорларимизда ҳам шундай ҳолатларни кўриш мумкин. Сотувчидан ўз вақтида патта пулини ундириш ва уни патта билан таъминлашни йўлга қўйдик. Бозорларимизда тартиб-интизом, озодагарчиликни сақлаш, олибсотарларга ва турли кўзбўямачиликларга йўл қўймаслик учун солиқ, санитария-эпидемиология ва милиция постлари ташкил этилди. Аммо, қиладиган ишларимиз ва режаларимиз ҳам кўп.

«Қўйлиқ» бозорининг таърифи кетган. У бошқа бозорларга нисбатан маҳсулотларнинг сероблиги ва арзонлиги билан фарқ қилади.

Бир кичик мисол. «Олой» бозоридан бир юз эллик сўмдан харид қилган олмани бу ерда 90-100 сўмга олиш мумкин. Ёки бўлмаса гуруч, гўшт маҳсулотларини олайлик. Ҳеч бўлмаганда орадаги фарқ 10 сўмни ташкил этади. Бозор гавжумлигидан оёқ қўйгани жой топилмайди. Сотувчилар ихтиёрига бериб қўйилган расталарда ҳақиқий деҳқонни учратасиз. Шу куни Бектемир тумани ҳокими Шукрулло Ҳикматов ҳам бозорларни кўздан кечираётган экан.

— Қарорда туман ҳокимликлари бозорлар ишини ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари қаттиқ танқид қилинган. Шу соҳа кадрларини танлаш, жой-жойига қўйишга бефарқ қараганликлари қайд қилинади, — дейди ҳоким бизга. — Албатта бундан биз ҳам ўзимизга яраша хулоса чиқариб олдик. Жамиятга янги раис келди. Нўъмон Ғиёсовнинг суяги савдо ишида қотган, бой тажрибага эга бўлган мутахассис. Ҳафта сайин у билан бир марта бозор айланамиз. Тадбирлар ва камчиликлар ҳақида сўз юритамиз. Мана ўзларингиз кўриб турганингиздек бозор анча озода, тартибга келиб қолган.

«Фарҳод» бозори ҳиссадорлик жамиятига Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов яқиндагина раис бўлиб келди. Шунинг учун у бизга: «ҳали тузук-қуруқ ишга киришмай туриб сизларга уни-буни қилдим десам инсофдан бўлмас. Яхшиси ўринбосарим Ботир Миртурдиев билан гаплашинглар. У киши менгача раис вазифасини бажариб турган» деди. Ботир ака билан бозор кездик. Сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашдик. Чунки ҳақиқий баҳони ўшалар беради, холис гапни айтишади.

— Умуман бозор хизматидан нолийдиган жойимиз йўқ, — дейди сотувчи Карима Одилова. — Расталар анча тартибга кириб қолган. Унинг олдинги ягона эгалари олибсотарларни эндиликда онда-сонда учратасиз. Ҳозир биз ҳам энг гавжум растадан бемалол ўрин олаоламиз.

Харидор Саид Анорқуловни суҳбатга тортдик.

— Шу яқин атрофда тураман. Ҳамиша шу бозордан керакли маҳсулотларни харид қиламан, — дейди у. — Нарх-навода ҳам, озодаликда ҳам бозор олдингисидан фарқ қилади.

Хусусан биргина бозорнинг кундалик даромад пули 40 фоизга ошганлиги ҳам бу ерда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг анча ишлар қилинганини исботлайди. Қолаверса қисқа муддатда бозорнинг ўнг томон қисмидаги пештахталар янгиланибди. Шу ҳисобга кўра уларнинг сони минг ўринга ошибди.

Қарорнинг муҳим бандларидан бири қилиб «Ҳиссадорлик жамиятлари номигагина тузилгани, жамият аъзоларида мулкка эгалик ҳисси уйғотилмагани сабабли аксарият бозорларда акцияларнинг олти-ўн фоизигина сотилгани» ҳақида сўз юритганимизда раис ўринбосари шундай деди:

— Бизда акциялар қўлма-қўл бўлиб кетган. Янги йилнинг биринчи чорагида акциядорларимиз 100 сўмлик акцияга 41 сўмдан дивиденд ҳам олишди.

«Юнусобод» бозорининг бугунги кўриниши ўзгача. Сабаби бозорнинг Аҳмад Дониш кўчасидаги қисми тамоман янгиланган. Шу яқин атрофдаги жамоа хўжаликларидан келган сотувчилар барча қулайликларга эга бўлишди. Усти ёпиқ расталардан қишин-ёзин одамлар аримайди. Бозор анча озода. Бундан харидорлар ҳам хурсанд.

Маҳсулотларни улгуржи харид қилишга ихтисослашган дўконлар фаолиятида ҳам фаоллик сезилади. Маъмурият Тошкент туманида жойлашган 13 та жамоа хўжалиги ва 2 та фермер хўжалигининг барчаси билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузган. Хўжаликлардан маҳсулотни ташиб келтириш учун махсус транспортлар ажратилган. У жойлардан мунтазам олиб келиниб арзон баҳода сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор нарх-навосида ижобий таъсирни ўтказмоқда. Масалан, бозорда картошканинг баҳоси 20 сўмдан 25 сўмгача, хўжаликлардан машиналарда келтирилган худди шундай маҳсулот 15 сўмдан 20 сўмгача сотилмоқда.

Бозор маъмурияти ҳар чоракда бир марта хизматчиларни синовдан ўтказиб туради. Талабга жавоб бермайдиган ходимлар ўрни янгилари билан тўлдирилиб борилади. Назаримизда бу янгиликни бошқа бозорлар ҳам ўзларида жорий этсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта бу гаплардан ҳамма бозорларимизда ҳам ишлар жойида, камчиликлар йўқ, олибсотарлар фаолиятига чек қўйилган, тартиб-интизом аъло даражада деган хулоса чиқармаслик керак. Биз бозорларни айланиб нуқсонларга ҳам дуч келдик.

«Тошбозорсавдо» уюшмаси деҳқон бозорлари рисоладагидек бўлиши учун ҳали кўп иш қилиши, камчиликларни бартараф этиши керак. Биз бозорларимизнинг ички кўриниши ҳам ташқисига мос бўлишини истардик. Бунинг учун бозорларда тартиб ўрнатиш юзасидан бошланган ишлар навбатдаги мавсумий тадбирга айланмаслиги, изчил, собитқадамлик билан мунтазам давом эттирилиши керак.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

